

Date: 17th July-2026

**НОМУСГА ТЕГИШ ЖИНОЯТИНИ ТУШУНЧАСИ ВА ИЖТИМОЙ
ХАВФЛИЛИГИ**

Асқаров Умиджон Аслиддинович

Мустақил тадқиқотчи

E-mail: Umidjon077@gmail.com

Тел: +998916741177

Бугунги кунда мамлакатимизда инсоният асрлар давомида орзу қилиб келган демократик ҳуқуқ ва эркинликлар босқичма-босқич амалга оширилиб келинмоқда. Ўтироф этиш жоизки, жиноий жазоларни либераллаштириш, жиноят процесси иштирокчиларининг ҳуқуқ ва манфаатларини химоя қилиш имкониятлари кенгайтирилди. Маълумки либераллаштириш замирида эркинлик категорияси ётади. Номусга тегиш тушунчасига тўхталар экан, А. Мукажанов ушбу жиноятларнинг бир қатор хусусиятларини кўрсатиб ўтади:

1. Номусга тегиш жинояти жабрланувчиси фақат аёл киши бўлиши мумкин, ҳамда унинг на ахлокий қиёфаси, на жиноятчи билан ўзаро муносабати айбдор қилмишини номусга тегиш деб квалификация қилиш учун аҳамиятга эга эмас.

2. Номусга тегишдаги жинсий алоқа тушунчаси фақатгина табиий жинсий алоқани қамраб олади. Бироқ биз А.Мукажановнинг номусга тегиш жиноятининг субъекти фақатгина аёл киши бўлиши мумкин деган, юқоридаги фикрига қўшилмаймиз. Зеро, М.Х.Рустамбаев таъкидлаб ўтганларидек, “номусга тегиш жиноятининг объекти ҳар икки жинсдаги жабрланувчининг жинсий эркинлиги ҳисобаланади”. Мантиқан жинсий эркинлик нафақат аёл кишига балки, эркак жинсидаги инсонларга ҳам хосдир. Биз номусга тегиш жабрланувчиси фақат аёлкиши бўлиши мумкин деган фикр билан, эркак (хусусан ёш болалар, ўсмирлар) жинсидагиларнинг жинсий эркинлигини муҳофаза қилишдан тонаётган бўламиз. Шу сабабдан ҳам номусга тегиш жинояти жабрланувчиси ҳар икки жинсдаги шахс бўлиши мумкин. Кўпчилик муаллифлар номусга тегишни содир этиш фақат аёлнинг жинсий эркинлигига тажовуз қилишдан иборат деб ҳисоблаб келганларва ҳозир ҳам шундай деб ҳисобловчилар талайгина. Улар ўз нуқтаи назарларини аёл киши эркакнинг жинсий эркинлигига тажовуз қилганҳоллар жуда кам ва «бундай ҳатти-ҳаракатларни ўзининг биологиктабиатига кўра зўрлаб аёлнинг номусига тегишга тенглаштириббўлмайди», деб изоҳлаганлар. Профессор А.А.Жижиленконинг фикрича эса, номусга тегиш объекти аёлнинг ҳам, эркакнинг ҳам жинсий дахлсизлиги ҳисобланади. Ҳақиқатан ҳам суд-тергов амалиётида жинсий зўрликдан жабрланганларнинг кўпчилиги аёл жинсига мансуб жабрланувчилардир, бироқ эркак жинсига мансуб жабрланувчилар ҳам учраб туради. Масалан, проф. М.Х.Рустамбоев: «Эр-хотинларнинг бирортаси, ҳаттоулар расмий никоҳда бўлсаларда, жинсий зўрликдан жабрланганбўлиши мумкин, чунки никоҳ жинсий эркинликдан маҳрумқилмайди», – деб таъкидлайди. Шунини ҳам қайд этиш лозимки,



Date: 17th July-2026

жабрланувчи шахс эркак бўлганида, ўз жинси ва жамиятдаги ижтимоий мақомига кўра, одатда, унга нисбатан зўрлик қилган шахснижавобгарликка тортиш учун ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига мурожаат қилишга ботинмайди. Номусга тегиш жиноятининг хусусиятлари ҳақида сўз юритар эканмиз, А.А.Абдрашит, Т.А.Бапанов, К.С.Карбековлар томонидан билдирилган фикрни келтириб ўтамиз. Ушбу ҳуқуқшунос олимлар томонидан номусга тегиш жиноятининг квалификацияловчи белгилари қуйидагича ажратиб кўрсатилган: кўп ҳолларда гуруҳ бўлиб, бир гуруҳ шахслар, уюшган гуруҳ томонидан олдиндан келишиб содир этилади; соғлиққа оғир шикаст етказиш, ўлдириш, шунингдек жабрланувчи ёки бошқа шахсларга шафқатсизлик ишлатиш билан биргаликда содир этилади. Бунда руҳий зўрлик жабрланувчи қаршилигини енгиш воситаси бўлиб хизмат қилади; жабрланувчига таносил касаллиги юктирилиши хавфи бўлиши мумкин. Бунда айбдор бундай хавфни жиноят содир этиш вақтида англаган бўлиши керак; эҳтиётсизликдан оғир тан жароҳати етса, қўшимча квалификация қилиш талаб этилмайди. Статистик маълумотлар ҳам жинсий жиноятлар ичида ўзининг алоҳида ижтимоий хавфи юқорилиги билан ажралиб турадиган номусга тегиш жиноятининг Республикамизда сўнгги йилларда ошиб бораётганлигидан далолат бермоқда. Хусусан, мазкур жиноятлар 2001- йилнинг 1-ярмида 183 тани, 2002-йилнинг 1-ярмида 186 тани ташкил этган бўлса, мазкур рақамлар 2004-йилда 234 тани ҳамда 2005-йилда 266 тани ташкил этган эди. 2014-йилда эса 521 тани ташкил этди. Номусга тегишнинг криминалистик тавсифи қуйидаги унсур(элемент)ларни ўз ичига олади:

- 1) номусга тегиш жиноятини содир этиш ва яшириш усуллари;
- 2) номусга тегиш жиноятлари энг кўп содир этиладиган шароит ва жой;
- 3) жиноятчи (ёки бир гуруҳ шахслар томонидан номусга тегиш жинояти содир этилганда жиноятчилар)ни тавсифловчи маълумотлар;
- 4) жабрланувчи (жабрланувчилар) тўғрисида маълумотлар. Номусга тегишнинг криминалистик моҳияти энг аввало жиноятни содир этиш усулининг ўзига хослиги билан белгиланади. Номусга тегиш жиноятининг таркибини зўрлик ишлатиб, кўрқитиб ёки жабрланувчининг ожизлигидан фойдаланиб, жинсий алоқа қилиш ташкил қилади. Терговчиларнинг кўп қисми, айниқса унча кўп иш стажига эга бўлмаганлари тергов жараёнида аниқланиши лозим бўлган номусга тегиш жиноятининг криминалистик тавсифини, кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракатлари тартиби ва характери ва бошқа ҳолатларни суут биладилар. Номусга тегиш жинояти - шахсга қарши қаратилган оғир жиноятлардан биридир. Криминалистик тавсиф шу билан белгиланадики, бунда терговчи номусга тегиш ким томонидан содир этилганлигини аниқлаш билан бир қаторда, жабрланувчи ушбу жиноятни содир этган деб кўрсатаётган шахсга тухмат қилмаётганлигини аниқлаши лозим бўлади. Ушбу жиноят асосан гувоҳларсиз содир этилади, шунингдек ҳар бир шахснинг шахсий ва жинсий хиссиётларига дахлдордир. Бу ҳолатлар жабрланувчи томонидан кўрсатма берилганда ўз ифодасини топади. Бу каби

Date: 17th July-2026

жиноятларни тергов қилиш амалиёти жабрланувчига ўтказиладиган таъсир кучлилигидан далолат беради. Манфаатдор шахслар жабрланувчини алдаб ўзига оғдириб олиши, уйланишни ваъда қилиши ёки турли хил тахдидлар, қўрқитишларни амалга ошириши ва бошқа йўллар билан рухий таъсир ўтказиши мумкин. Кўп ҳолларда жабрланувчи ўз кўрсатмаларини ўзгартиради, яъни ходиса содир бўлмаган ёки умуман бошқа номаълум шахс томонидан содир бўлган ёхуд жинсий алоқа ихтиёрий бўлган, деб ўз аризаларини қайтариб оладилар. Қайси мамлакатлигига қараб, жинсий жиноятларнинг ушбу тури бўйича статистик маълумотлар жуда қизиқарлидир: 100 000 та аёлга нисбатан зўрлаб номусига тегишнинг миқдори қуйидагича: АҚШда –36та, Норвегияда –1та, Англияда – 3та, Польшада – 7та, Японияда –12та, Туркияда – 14та. Лекин шу билан бирга кўпгина тадқиқотчилар рўй берган зўрланишларга қараганда шу турдаги жиноятларнинг рўйхатга олиниши миқдори камлигини тан оладилар, шунин учун ҳам, статистик маълумотлар ҳақиқатни яққол акс эттиради деб бўлмайди. Кўпгина муҳим омиллар таъсирида қурбонлар ва уларни васийлари юз берган жиноят тўғрисида мурожаат қилмайдилар. Уларнинг тахлили асосий сабаблар қуйидагилар эканини кўрсатди: жиноятчи қасосидан қўрқиш – 50 %, атрофдагилардан уялиш – 30 %, ҳуқуқ органларининг имкониятига ишончсизлик – 10 %, кўрикдан ўтишни ҳоҳламаслик –5%. Номусга тегишнинг қуйидаги шакллари фарқланади: инцест зўрлаш, 12 ёшгача бўлган қурбонларда ёмон руҳий асоратларни келтириб чиқаради, катта ёшдагиларда бундай асоратлар кам кузатилади; бир гуруҳ шахслар томонидан зўрлаш, бунда қурбонга бирон-биртан жароҳатлари етказилмайди ва шу воқеадан сўнг ҳомиладорлик ҳоллари камдан-кам кузатилади (балки бу ҳолатдаги жиноятларларда эркаклар жинсий алоқани кўпинча вақтидан олдин тугатиши билан боғлиқ бўлса керак); индивидуал зўрлаш, бу олдиндан мўлжаллаб, ёки шароитга қараб бўлиши мумкин; олдиндан мўлжаллаб, қасддан амалга оширилган зўрлашда кўпинча жиноятчи қурбонига нисбатан кўпол жисмоний куч ишлатади (ҳатто ўлдириши мумкин), бу ҳолат зўрловчида қийновга солишга мойиллик ёки алкоголь мастлик ҳолати бўлиши билан боғлиқ; табиий уйқу ҳолатида бўлган қурбонни зўрлаш; бундай ҳолатларни баҳолашга жуда эҳтиётлик билан ёндошиш керак, чунки бундай зўрланишлар ҳақида кўпинча рухий касалликка мубтало бўлган аёллар мурожаат қилишади (кўпинча – истерия ёки галлюцинация билан оғрийдиган аёллар); гипнотик ёки наркотик уйқуда бўлган қурбонларни зўрлаш; наркоздан сўнг, шу билан бирга алкоголь ёки гиёҳванд модда таъсиридаги чуқур уйқу ҳолатида ётган аёлни зўрлаш мумкинлигини истисно қилиб бўлмайди, «содомик» зўрлаш (тўғри ичак орқали зўрлаш) – гуруҳбозлик билан амалга ошириладиган зўрлашлар орасида энг кўп тарқалган, бу ҳолда жабрланувчининг тўғри ичаги сфинктерида (орқа тешикни қисиб турувчи) жароҳатлар ҳосил бўлади.

Жинсий муносабатлар инсоният ҳаётининг ажралмас қисмини ташкил қилиб, жамиятда бундай муносабатлар ҳуқуқнинг турли соҳалари (жумладан, оила, фуқаролик ёки бошқа ҳуқуқ нормалари билан) ҳамда ахлоқ нормалари ва қоидалари

Date: 17th July-2026



асосида тартибга солинади. Жиноят ҳуқуқи жинсий муносабатларни тартибга солмайди, балки у инсоннинг табиий ҳуқуқлари ва жамиятда шаклланган жинсий ахлоқ принципларини бузувчи қилмишлар содир этилишини тақиқлайди. Шу билан бирга, жиноят ҳуқуқи инсоннинг жинсий эркинлиги, дахлсизлиги ҳамда жинсий ахлоқнинг асосий принципларига тажовуз қилувчи қилмишлар учун жиноий жавобгарлик белгилайди.

Юридик адабиётларда жинсий эркинлик ва жинсий дахлсизлик тушунчалари тушунчалари фарқланади. Жинсий эркинлик деганда, ақли расо ва муайян ёшга етган шахснинг жинсий муносабатлар соҳасидаги эҳтиёжларини ўз ихтиёри бўйича амалга ошириш ҳуқуқи тушунилади. Бундан ташқари жинсий эркинлик ҳар қандай шахс ўзининг жинсий эҳтиёжини ким билан қандай усулда қондиришини ўзи ҳал қилиш ҳуқуқига эга эканлигини англатади. *Жинсий дахлсизлик деганда*, ҳар қандай шароитда 16 ёшга тулмаган шахс билан жинсий муносабатларга жалб этилмаслик ҳуқуқи тушунилади. Жинсий дахлсизлик - жинсий эркинликнинг бир қисмини ташкил этади, шу боис унга қаратилган зўрлик ишлатиш доим жинсий эркинликнинг бузилишига олиб келади.

Жинсий эркинликка қариш жиноятлар деганда, Жиноят содекси нормалари билан тақиқланган жинсий муносабатларнинг нормал тартиби ва эркинлигига тажовуз қилувчи ҳамда жинсий ахлоқнинг асосий принципларини бузувчи ижтимоий хавфли қилмишлар тушунилади.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Конституциясига кура ҳар бир инсонга унинг ҳуқуқ ва эркинликлари, шу жумладан, жинсий эркинлик ва жинсий дахлсизликка булган ҳуқуқи химояси кафолатланади.

Таҳлил этилаётган жиноятларнинг *турдош объекти* шахснинг жинсий эркинлиги ва жинсий муносабатларнинг нормал тартиби ҳамда умумэътироф этилган жинсий муносабатларнинг ахлоқий принципларини таъминловчи ижтимоий муносабатлар йигиндиси ҳисобланади. Жинсий эркинликка қарши жиноятлар орасида номусга тегиш жинояти кенг тарқалган ва ижтимоий хавфлилиги юкори булган жиноят сифатида баҳоланади. Жиноят кодексининг 118-моддасида номусга тегиш жинояти учун жавобгарлик назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг 2010 йил 29 октябрдаги «Номусга тегиш ва жинсий эҳтиёжни гайритабиий усулда қондиришга доир ишлар бўйича суд амалиёти туғрисида» ги 13-сонли қарорида номусга тегиш жиноятига қуйидагича таъриф берилган, яъни *номусга тегиш деганда*, аёл жинсидаги шахс билан унинг эркига қарши ёки эркидан ташқари зўрлик ишлатиб, кўрқитиб, ёхуд жабрланувчининг ожизлигидан фойдаланиб, табиий усулда жинсий алоқа қилиш тушунилиши лозим . Бундан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, таҳлил этилаётган жиноятнинг *бевосита объекти* аёл жинсидаги шахснинг жинсий эркинлиги ҳисобланади. Агар номусга тегиш ёш бола, вояга етмаган ёки ожиз аҳволда қолган аёлга нисбатан содир этилган бўлса, у ҳолда жиноятнинг бевосита объекти жинсий дахлсизлик ва жиноятнинг қўшимча объекти сифатида вояга

Date: 17th July-2026

етмаган шахсларнинг ахлоқий тарбияланиши ва нормал жисмоний ўсишини таъминловчи ижтимоий муносабатлар намоён бўлади.

Номусга тегиш жиноятида айбдор бўлган шахсларнинг жавобгарлик масаласини ҳал қилишда унинг жабрланувчи билан номусга тегиш тарзидаги жинсий алоқа содир этилгунга қадар бўлган муносабатлари ҳеч қандай аҳамият касб этмаслиги инобатга олинishi лозим.

Номусга тегишда аёл ва эркак ўртасида юзага келган табиий жинсий алоқа назарда тутилади. Шу боис, эркак ва аёл ўртасида юзага келган жинсий алоқа гайритабиий усулда амалга оширилган булса, бундай қилмиш Жиноят кодекси 118-моддасида назарда тутилган жиноят таркибини ташкил этмайди.

Таҳлил этилаётган жиноятнинг *объектив томони* жабрланувчининг ихтиёрига зид равишда унга нисбатан зурлик ишлатиб, қўрқитиб ёки жабрланувчининг ожизлигидан фойдаланиб жинсий алоқа қилишда ифодаланади.

Зўрлик ишлатиш *деганда*, жабрланувчининг қаршилигини енгитишга қаратилган ҳаракатларни содир этиш, масалан, зарбалар бериш, нафас йулларини сиқиш, оёқлари, қўлларини ушлаб туриш, кийимларини йиртиш ва ҳоказолар тушунилади. Бунда зўрлик жисмоний ёки руҳий зўрлик хусусиятида намоён булиши мумкин.

Жисмоний зўрлиқуриш-дўппослаш, боғлаш, ёрдамга чакириш ёки қаршилик курсатиш имкониятидан махрум қилган ҳолда куч билан ушлаб туриш, соғлигига зарар етказишда намоён булиши мумкин. Бундан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, жисмоний зўрликда жабрланувчи танасига таъсир утказилади. Шу билан бирга, жисмоний зўрлик жабрланувчининг ички органларига таъсир утказиш йули билан ҳам содир этилиши мумкин. Масалан, жабрланувчига захарловчи, кимёвий моддалар, гиёҳвандлик моддалари ёки психотроп воситалари бериш йули билан унинг қаршилигини енгитиб номусга тегиш.

Руҳий зўрлик *деганда*, айбдорнинг жабрланувчи билан жинсий алоқа қилиш каби жинсий натижасига эришиши учун жабрланувчининг иродасини буйсундириш мақсадида унинг руҳиятига ҳар қандай таъсир утказиш тушунилади.

Руҳий зўрлик жабрланувчининг ўзини, фарзандлари ва яқин кишиларининг ҳаёти ёки соғлигига дарҳол зарар етказишга қаратилган тажовузкорона ҳаракатларни амалга ошириш билан қўрқитишда ифодаланади. Номусга тегиш жинояти содир этилишида қўлланилган руҳий зўрлик жабрланувчи томонидан аниқ хавф сифатида қабул қилиниши керак. Номусга тегиш жиноятида

қўлланилган ўлдириш ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш ушбу жиноят таркиби билан тўлиқ қамраб олинади. Шунинг учун бундай ҳолда қилмишни Жиноят кодекси 112-моддаси билан қўшимча квалификация қилиш талаб этилмайди.

Жисмоний ёки руҳий зўрлик нафақат жабрланувчига нисбатан балки, аёлни зўравонлик содир этаётган шахс тажовузлариданҳимоя қилиш, бошқаларни ёрдамга чакиришга интилаётган бошқа шахсларга нисбатан ҳам содир этилиши мумкин.



Date: 17th July-2026



Бирок бундай ҳолатларда айбдор томонидан қўлланилаётган зўрликнинг мақсадини аниқлаш керак. Агар бошқа шахсларга нисбатан қўлланилаётган зўрлик натижасида айбдор жабрланувчининг қаршилигини енгиш ва бундай йул билан жинсий алоқа қилишга розилик беришга мажбур қилган бўлса, қилмиш Жиноят кодекси 118-моддаси таркиби билан қамраб олинади. Агар бошқа шахсларга нисбатан қўлланилаётган зўрлик қўтилмаган гувоҳ ёки жабрланувчининг ҳимоячиларини йуқ қилиш мақсадида қўлланилган бўлса, қилмиш келиб чиққан оқибатга қараб ҳаёт ёки соғлиққа қарши жиноятлар билан биргаликда квалификация қилиниши керак. Зўрликнинг ҳар иккала шакли жинсий алоқа содир этилиши билан ифодаланиши лозим. Номусга тегиш пайтида жабрланувчига енгил ёки уртача оғир шикаст етказилиши тегишлича Жиноят кодекси 118-моддаси диспозицияси билан қамраб олинади ва Жиноят кодекси 105, 109-моддалари билан қўшимча квалификация қилишни талаб этмайди. Агар номусга тегиш пайтида жабрланувчига оғир шикаст етказилса, айбдорнинг ҳаракатлари Жиноят кодекси 118 ва 104-моддасининг тегишли қисмлари билан жиноятлар мажмуи тариқасида квалификация қилинади.

Номусга тегиш албатта жабрланувчининг эркига, ихтиёрига қарши равишда амалга оширилган бўлиши лозим. Алдаш ёки ишончини суиистеъмол қилиш ёки шунга ўхшаш бошқа усуллар билан жабрланувчини жинсий алоқа қилишга кўндирган шахснинг ҳаракатлари Жиноят кодекси 118-моддаси билан квалификация қилиниши мумкин эмас.

Кўрқиш деганда, жабрланувчининг қаршилигини енгиш мақсадида унга жисмоний зўрлик ишлатиш нияти аниқлигини ифодаловчи ҳаракатлари ёки сўзлар билан кўрқитиш тушунилади. Айни пайтда агар ўлдириш, зўрлик ишлатиш ёки мол-мулкни ёкиб юбориш, портлатиш ёки бошқа атрофдагилар учун хавфли усулдан ошқора бўлишининг олдини олиш мақсадида билдирилган булиб, бундай таҳдид амалга оширилишидан хавфсирашга дойр етарли асослар мавжуд булса, қилмиш Жиноят кодексининг қайд этилган жиноятлар учун жавобгарликни назарда туғувчи моддалари ва Жиноят кодекси 118-моддаси ёки 119-моддасининг тегишли қисми мажмуи буйича квалификация қилиниши лозим.

Ожиз аҳвол деганда, жабрланувчининг шундай аҳволи тушунилиши керакки, бундай пайтда у узининг физиологик, жисмоний ёки руҳий ҳолати (жисмоний нуқсон, руҳияти бузилганлиги, касаллиги, қаттиқ оғриқ ёки беҳушлик ҳолати, алкохол, наркотик воситалар ёки психотроп моддалар таъсирида ўта мастлик ҳолати)га кўра, узини ҳимоя қилиш,

айбдорга қаршилиқ кўрсатиш ёки ўзига нисбатан содир этилаётган ҳаракатлар хусусияти ва моҳиятини тушуниш ёки ҳаракатларини бошқариш имкониятига эга булмайди. Бунда айбдор жабрланувчи оғир аҳволда эканлигини англаган булиши шарт.

Date: 17th July-2026

Ожиз аҳвол сифатида, жумладан, алкоголь ичимликлар, наркотик воситалар ёки психотроп моддалар таъсирида келиб чиққан шундай даражадаги мастлик ҳолати тан олиними мумкинки, бунда жабрланувчи атроф-вазиятни англай олмаган ва бу ҳолат уни айбдорга қаршилиқ кўрсатиш имкониятидан маҳрум қилган бўлади. Иш буйича жабрланувчи бундай ҳолатларга айбдор томонидан туширилганлиги (масалан, спиртли ичимликлар ичирган, гиёхванд воситаси берган ва ҳ.к.) ёки айбдорнинг ҳаракатларига боғлиқ бўлмаган тарзда ожиз аҳволда бўлганлиги ҳеч қандай аҳамият касб этмайди.

Жабрланувчини ожиз аҳволга солиш учун айбдор томонидан гиёхвандлик воситалари, психотроп, кучли таъсир этувчи, захарли ёки одамнинг акл-идрокига таъсир этувчи бошқа моддалар қўлланилганлиги туғрисида маълумотлар мавжуд бўлганда, уларнинг хусусияти ва инсон организмига таъсири даражаси экспертиза тайинлаш, мутахассисларни сурок қилиш йули билан аниқланиши лозим.

